



**ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК
ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
ШАРТНОМАСИ № 10-08/057110000010**

Тошкент ш.

“31” январь 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Лицензияси ва Устав асосида фаолият кўрсатувчи “Ўзагросуғурта” АЖ (бундан кейин матнда «Суғурталовчи» деб юритилади), номидан 2022 йил “05” январдаги № 05-06/5f-6sm - сонли Бош ишончнома асосида иш юритувчи Тошкент шаҳар филиали “Учтепа” суғурта маркази менежери Мадрахимов С.Т. бир томондан, Ишончнома асосида иш юритувчи юритувчи “TOSHKENT AERO” MBK (бундан кейин матнда «Суғурта килдирувчи» деб юритилади), номидан А. Мухаммадиев иккинчи томондан қуйидаги шартлар асосида мазкур Суғурта шартномасини туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Суғурталовчи Суғурта килдирувчининг мазкур шартноманинг 1-Иловасида курсатилган транспорт воситалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 141-сонли Қарори асосида суғурта хизматини кўрсатади.

1.2. Суғурталовчи мазкур шартномада шартлашилган суғурта мукофоти суғурта килдирувчи томонидан тўлиқ тўланганидан сўнг суғурта полиси амал қилиш муддатида суғурта ходисаси содир бўлганда шартнома (суғурта полиси) да белгиланган суғурта пули доирасида суғурта товони тўлаш мажбуриятини олиб боради.

2. СУҒУРТА ОБЪЕКТИ

Мазкур шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаларидан фойдаланишда транспорт воситалари эгалари (суғурта килдирувчи)нинг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкый манфаатлари мажбурий суғурта объектидир.

3. СУҒУРТА ПУЛИ

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора тадбирлари ҳақида”ги 141-сонли қарорига белгиланади ва мазкур шартноманинг 1-иловасида ҳамда ҳар бир транспорт воситаси бўйича бериладиган суғурта полисларида кўрсатилади.

3.2. Жами суғурта пули: 80 000 000,00 (саксон миллион) сўм 00 тийинни ташкил этади.

4. СУҒУРТА МУКОФОТИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича суғурта мукофотининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 141-сонли Қарорига асосан тасдиқланган суғурталаш қоидалари (кейинги матнларда “Суғурта қоидалар” деб юритилади) 5-иловасидаги суғурта тарифларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади ва унинг миқдори шартноманинг 1-иловасида ва суғурта полисларида белгилаб қўйилди.

Жами суғурта мукофоти: 336 000,00 (Уч юз ўттиз олти минг) сўм 00 тийинни ташкил этади.

4.2. Мазкур шартнома бўйича суғурта мукофотини ҳисоблаш суғурталовчи томонидан мажбурий суғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза-анкетада суғурта килдирувчи томонидан кўрсатилган маълумотлардан, шунингдек суғурта қоидалари 4-иловасига мувофиқ

шакл бўйича тақдим этилган маълумотлардан ҳамда суғурталовчида мавжуд бўлган, ҳужжатлар асосида тасдиқланган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4.3. Суғурта мукофоти тўлови пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Суғурта мукофотининг тўланган куни деб суғурта мукофотининг суғурталовчи ҳисоб рақамига тўлик миқдорда келиб тушган куни ҳисобланади.

4.4. Суғурта мукофоти тўлик тўланганидан сўнг суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига мазкур шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган ҳар бир транспорт воситаси бўйича суғурта полиси ва махсус давлат белгиси расмийлаштириб берилади.

5. СУГУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

5.1. Жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта тўлови суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 35 фоизидан ошиши мумкин эмас.

5.2. Бир нечта жабрланувчиларнинг мол-мулкига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг суғурта қопловчи миқдори ҳар бир жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарур даражасига мутаносиб равишда, мазкур шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган сумма доирасида аниқланади.

5.3. Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

5.4. Бир нечта жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, мазкур шартноманинг 5.3-бандида кўрсатилган сумма доирасида аниқланади.

6. СУГУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ

6.1. Суғурталовчи суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) ташаббуси билан ёки суғурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати билан юзага келган суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) барча билдирилган ва исботланадиган харажатларини, ҳатто бу чоралар муваффақиятсиз бўлган ҳолларда ҳам қоплайди.

6.2. Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6.3. Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.

6.4. Суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади (суғурта қоидалрининг 56-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5. Суғурта товонини тўлаш суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ


7.1. Мазкур шартнома томонлари бўлмиш суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига суғурта қоидаларида белгиланган суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тадбиқ қилинади ва ҳар икки томон учун мажбурий ҳисобланади.

7.2. Томонлар ушбу шартнома шартларини бажаришда бир-бирларига маълум бўлган ва тижорат сир бўлган маълумотларни сир сақлашлари шарт.

8. ШАРТНОМА ВА (ЁКИ) СУГУРТА ПОЛИСИНИНГ МУДДАТИДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИНИШИ

8.1. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисининг амал қилиши:

- а) транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақиқланганда;
- б) суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси бундан буён фойдаланиш учун яроксиз бўлиб қолганда;
- в) транспорт воситасининг эгаси ўзгарганда муддатидан олдин тўхтатилади.



Мазкур шартномава (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

8.2.Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган транспорт воситаси бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисининг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурта мукофотининг бир қисми тўланган тоvon суммасига ва шартнома ва (ёки) суғурта полиси амал қилишининг кунлар ҳисобидаги қолган муддатига мутаносиб равишда қайтарилади. Бунда суғурта шартномаси ва (ёки) суғурта полисининг амал қилиши мазкур

шартноманинг 8.1-банди "а", "б" ва "в" кичик бандларида кўрсатилган бошқа асосларга кўра муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурталовчи суғурта мукофотининг қайтарилаётган қисмидан унинг суғурта шартномаси бўйича исбот қилинадиган харажатлари суммасини суғурта мукофотининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириши мумкин.

9.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Томонлар мазкур шартнома ва қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажармаганликлари оқибатида иккинчи томонга етказилган зарар учун қонунчилик ҳужжатларига кўра жавобгар ҳисобланадилар.

9. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартномадан келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

10.2. Томонлар ўзаро розилик асосида мазкур шартномага зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари мумкин.

10.3. Мазкур шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг кучга киради ва томонлар қилишуви ёки улардан бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолда, бекор қилиш ташаббуси билан чиқаётган томон иккинчи томонни камида ўттиз кун олдин қилишувни бекор қилиши тўғрисида ёзма хабардор қилиши лозим.

10.4. Шартнома бир ҳил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхада сақланади.

10.5. Суғурта шартномаси суғурта жавобгарлиги ҳисобланган суғурта мукофотининг Суғурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушгандан кейин бошланади.

10.6. Суғурта мукофоти олдиндан 100% ўтказиб берилади.

10. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«Суғурталовчи»

«Суғурта қилдирувчи»

«Ўзагросуғурта» АЖ
Тошкент шаҳар филиали
«Учтепа» суғурта маркази


«TOSHKENT AERO» MBK

Манзил:Тошкент шаҳар, Учтепа тумани,
Лутфий кўчаси 18-уй.
Тел:(+99897) 739-50-06
Факс:(+99871) 271-55-20
Банк:АТБ «Микрокредитбанк» Амалиёт
бошқармаси.
МФО: 00433; ИНН: 207 157 269;
Х/Р: 2021 6000 6049 9286 2005

«ТОШКЕНТ-АЭРО» ИВК
И.А.Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти
х/р: 2340 4000 1036 1612 9327
ТОШКЕНТ Ш.АТ «АЛОКАЦИЯ» НИНГ БОШ ҚОШИ
МФО: 00 491 ИНН: 202 450 011 ОКЗД: 84 119
Тел: 78-120-86-46 Факс: 78-120-86-30

Менежер
Мадрахимов С.Т.

А.Мухаммадиев



Н.Мамушев

2022 йил «31» январдаги 10-08/057110000010 - сонли
“Транспорт воситалари эгаларининг Фукаролик
жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш”
шартномасига 1-илова

№	ТВ тури	ТВ маркаси ва модели	Давлат рақами	Суғурта пули (минг сўм)	Суғурта тарифи	Суғурта мукофоти (сўм)
1	Енгил	MALIBU 2	01171RAA	40 000 000	0.42	168 000
2	Енгил	NEXIA 3	01860KJA	40 000 000	0.42	168 000
Жами:						336 000

Жами суғурта мукофоти: 336 000,00 (Уч юз ўттиз олти минг) сўм 00 тийинни ташкил
этади.

«Суғурталовчи»

«Суғурта килдирувчи»

«Ўзгросуғурта» АЖ
Тошкент шаҳар филиали
«Учтепа» суғурта маркази

Манзил: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани,
Лутфий кўчаси 18-уй.
Тел: (+99897) 739-50-06
Факс: (+99871) 271-55-20
Банк: АТБ «Микрокредитбанк» Амалиёт бошқармаси.
МФО: 00433; ИНН: 201 042 345;
Х/Р: 2021 0000 3001 0116 9151

Менежер
Мадрахимов С.Т.



“TOSHKENT AERO” MBK

«Тошкент-АЭРО» ИБК
И.А. Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти
х/р: 2340 4000 1036 1612 9327
ТОШКЕНТ Ш. АТ «АЛОКАБАНК» НИНГ БОШ ОФИСИ
МФО: 00 401 ИНН: 202 450 011 ОКД: 64 129
Тел: 78-120-88-48 Факс: 78-120-88-30



М.Ў.



Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида

ГУВОҲНОМА

Регистрали тартиб рақами № 947

2015 й. 26 июнь

Маъмур гувоҳнома "O'zagrosug'urta" aksiyadorlik jamiyati

қиска номى эса "O'zagrosug'urta" AJ

бўлган юридик

(давлат тилдаги тўлиқ ном)

шахста Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилди.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:

Муаккидик шакли:

Давлат рўйхатидан ўтказиш санасига почта манзили:

Юридик шахс коди:

Давлат рўйхатидан ўтказиш санасига асосий фаолият тури коди:

Солиқ тўловчининг идентификация рақами:

ТХШ

153

МШ

144

МХОБТ

1726266

КТУТ

16556739

ХХТУТ

96210

СТНП

201042345




Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 26.03.1997 йилда 947-сон

даволат рўйхатидан ўтказилган

Икрамов Музафр Мубаракхонжасевич

грахбари

(там.)



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MOLIIYA VAZIRLIGI
Sug'urtalovchilar va sug'urta brokerlarining
sug'urta faoliyatini amalga oshirishga

LITSENZIYA

Seriya SF

00228 -son

Ўзбекистон Республикаси Moliya Vazirligining 20 08 yil " 07 " yanvar

dag

2-SF -sonli buyrug'iga asosan mazkur litsenziya "O'zagrosug'urta"

(aksiyadorlik jamiyati)

aksiyadorlik jamiyati umumiy sug'urta sohasida majburiy va ihtiyoriy shakllarda quyidagi klasslar:

1-klass - Baxtsiz hodisalaridan ehtiyot shart sug'urta qilish;

2-klass - Kasallikdan ehtiyot shart sug'urta qilish;

3-klass - Yer usli transport vositalarini sug'urta qilish;

4-klass - Harakatlanadigan temir yo'l tarkibini sug'urta qilish;

5-klass - Aviatsiya sug'urtasi;

6-klass - Dengiz sug'urtasi;

7-klass - Yo'ldagi mol-mulkni sug'urta qilish;

8-klass - Mol-mulkni o'ldirish va tabiiy ofatlardan sug'urta qilish;

9-klass - Mol-mulkni zarardan sug'urta qilish;

10-klass - Avtofuqarolik javobgarligini sug'urta qilish;

11-klass - Aviatsiya sug'urtasi doirasidagi javobgarlikni sug'urta qilish;

12-klass - Dengiz sug'urtasi doirasida javobgarlikni sug'urta qilish;

13-klass - Umumiy fuqarolik javobgarligini sug'urta qilish;

14-klass - Kreditlarni sug'urta qilish;

15-klass - Kafilikni (karfolatlarni) sug'urta qilish;

16-klass - Boshqa moliyaviy tavakkalchiliklardan sug'urta qilish;

17-klass - Huquqiy himoya qilish bilan bog'liq xarajatlarni sug'urta qilish

bo'yicha sug'urta faoliyatini amalga oshirishga ruxsat etiladi.

Litsenziya egasining manzili (pochta adresi): O'zbekiston Respublikasi, 100156,

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, 19-mavze, 61/2-uy

Litsenziya egasining soliq to'lovchi sifatida identifikatsion raqami: 201042345

Litsenziya berilgan sana: 20 18 yil 19 - aprel

Litsenziya berilgan raqami: 221

Kaydarov A.Y.



№ 00228